

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШИДА МАНТИҚИЙ- МАЗМУНЛИ МОДЕЛЛАР РОЛИ

Холматов Шокиржон Солиевич

ЎзДЖТУ немис тили амалий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада биз талабаларнинг мустақил таълим олишида мантиқий-мазмунли моделлар ролини кўриб чиқамиз. Бунда биз кредит-модуль тизимидаги олий таълим муассасалари ўқув жараёни га ҳам тўхталиб ўтамиз.*

Калит сўзлар: *Кредит-модуль тизими, мустақил таълим олиш, мантиқий-мазмунли модел, ўқув жараёни, ўз-ўзини баҳолаш, ўқув материали*

Аннотация: *В данной статье мы рассмотрим роль логико-смысловых моделей в самостоятельном обучении студентов. При этом остановимся на учебном процессе высших учебных заведений по кредитно-модульной системе.*

Ключевые слова: *Кредитно-модульная система, самостоятельное обучение, логико-смысловая модель, учебный процесс, самооценка, учебный материал*

Abstract: *In this article we will consider the role of logical and semantic models in the independent learning of students. At the same time, we will focus on the educational process of higher educational institutions according to the credit-modular system.*

Keywords: *Credit-modular system, Self-study, logical-semantic model, learning process, self-assessment, educational material*

Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларини босқичма-босқич алмашинув бирлиги яъни, кредит-модул тизимида ўтказишдек муҳим жараён амалга оширилмоқда. Билим олувчининг ўрганиш фаолиятини бир босқичдан бошқасига ўтиш учун илгари суришга таъсир кўрсатувчи омил бу – кредит-модул тизими механизми ҳисобланади.

Ушбу тизим эса ўз навбатида ҳар бир ўқув модули таркибини тузишга асосланган модулнинг ўқув натижалари ва якуний назоратни кузатиб бориш орқали таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини мунтазам равишда баҳолаб боровчи ўқув дастуридаги ўзлаштириш жараёнини мунтазам тизимли ташкил этиш механизми омилидир.

Кредит тизими билим олувчига йўналтирилган ўқитиш, таълим бериш, ва баҳолашнинг шаффофлик тамойилига асосланган бўлиб, синов бирликларини йиғиш ва кўчириб ўтказишдан иборат трансфер жараёндир. Бу жараён ўз навбатида маъруза, назарий, амалий, семинар, ўқув амалиёти, клиник ўқув амалиётлар, курс иши, шунингдек таълим олувчиларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини ўз ичига олади.

Бироқ талаба эҳтиёжидан ташқаридаги ахборотлар улар учун қандайдир аҳамиятга эга эмас ва ўқув фаолиятига ундамайди. Шу боис талаба-ёшларнинг

билим олишга бўлган талабларини ва шу билан бир қаторда, ўспиринлик ёшини ҳисобга инобатга олиб, эҳтиёжлар категориясига мурожаат қиламиз, бундай эҳтиёжлар: доимий фаолиятга, психик функциялар – хотира, тафаккурни машқ қилдиришга эҳтиёж, янгиликка эҳтиёж, ички туйғулар ва ўз-ўзини баҳолашга бўлган эҳтиёжлардир.

Шу боис, талабаларнинг эҳтиёжини ва қизиқишларини ҳисобга олиш зарур. Ўспиринлик ёшини ҳисобга олган ҳолда, бундай эҳтиёжлар: Демак, ўқув материали ўрганишнинг психик жараёнини фаоллаштирган ҳолда етарли даражада тафаккурга ундовчи бўлиши лозим. Бу жараённи эса мазмун топшириқ-вазифалар ва мантиқий-мазмунли моделлар кўринишида бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўспиринлик ёшига келиб, ўқув фаолияти жараёнида ўз-ўзини ривожлантириш учун асосий шартлар: мақсад белгилашга, яъни онгли мақсадларни белгилаш ва ўз олдига қўйишга масъулият ҳамда салоҳият; ўз туйғуларини идрок этиш, ўз-ўзини бошқариш даражасидаги ўз-ўзини йўлга солиш; фаол ҳаракатнинг мавжудлиги, “яхшиликка ўзини олиб чиқиш”; ўзи тўғрисидаги тасаввурларнинг ривожланган тизими, “Мен” қиёфаси, бунинг асосида бошқалар билан ўзаро ҳаракат ва муносабат барпо этилади.

Ўспиринлик ёшидаги ўз-ўзини ривожлантириш мақсадли ўқув фаолияти мавжуд бўлганда инсоннинг ўзи томонидан онгли бошқариладиган яхлит жараён хусусиятини ташкил қилади. Ўзининг аниқ қиёфасига эга бўладиган, ўз-ўзини ривожлантириш шароитлари механизми сифатида, бизнинг фикримизча, мантиқий-мазмунли моделлардан фойдаланган ҳолдаги амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, талабаларни ўқув фаолиятига фаол киришиши ҳамда ўзини англаши, ўз ўрнини топишига имкон берувчи янги билимларнинг тизимли ва яхлит тасаввури учун аниқ шароитлар яратишга мантиқий-мазмунли моделларни ишлаб чиқиш аҳамиятлидир.

Мантиқий-мазмунли моделлар (бундан сўнг МММ) ёрдамида ахборот кўп ўлчамли мазмунли маконларда тақдим этилади. МММ ўқув материали тўғрисида кодланган ахборот ичига жойлаштирилган таянч-қисмли устунлари йиғиндисидан иборат. Шу аснода, ўқув материали мазмуни (тасвирий ва асосий ахборот) белгили-рамзий шаклда эмас, балки жамланган оғзаки кўринишда тасвирланади.

Бу уларни таянч ишоралар, тузилмавий-мантиқий тасвирлардан фарқлайди, улар В.С. Штейнбергнинг фикрига кўра, экстериоризация жараёнини сақлаб турмайди, моделларда билимларни тикланиш, жойлашиш жараёни уларнинг алгоритмлашуви ҳисобига сақланиб туради, чунки ахборотни етказиш ёки ҳисоблаб чиқиш изчиллиги эркин бўлиши мумкин эмас: мазмунни ташкил этиш мантиқи (бошқарувчи ахборот) оғзаки бўлмаган–қиёфали–кўринишли шаклда тақдим этилган [8, 207].

Тадқиқотларга кўра, МММни шакллантириш энг яқин ривожланиш соҳасида, яъни бевосита ўқув фаолияти жараёнида юз бериши лозим [8, 201]. Модель икки таркибий қисмга: мазмунли қисм – тушунча, мантиқий қисм – координаталар ва таянч қисмларнинг жойлашиш таркибига асосланади. Мазкур ҳолат координаторларни мантиқий-мазмунли деб аташ шароитини яратади.

Моделлар мантиқий-мазмунли координаторлар ва таянч қисмларини ўз ичига олган таянч-қисм устунидан иборат. Устунни яратиш жараёни етакчи билимларни ажратиб кўрсатишни кўзда тутаяди.

Таянч устунларида жойлашган мазмунли унсурлар координаталарда жойлашган тузилмаларнинг аломатлари (алоқалари, ўзаро ҳаракатлари) тўғрисидаги ахборотни сақлайди.

Мантиқий-мазмунли қисмларни аниқлашда умумий тизимли тушунчалар, муносабатлар ва уларнинг ўзаро алоқаларини ажратиб кўрсатиш мақсадидаги етакчи билимлар моделини қайта тузиш зарур. Ушбу ҳаракат талабалардан бу ҳаракатни йўлга солувчи алгоритмлар ва қоидаларни мушоҳада қилишни талаб этади.

Биз ўз ишимизда МММни фойдаланишнинг умумийлиги билан фарқланувчи координатларнинг таянчи-қисмли тизими асосида кўриб чиқамиз: координатлар ва қисмларни тўлдириш ҳал қилинаётган вазифага боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Координатларнинг таянчи-қисмли тизими асосидаги МММ қуйидагича яратилади:

- эътиборнинг шартли маркази асослаш объектига – муаммоли вазиятга, мавзуга, вазифага ва ҳоказоларга жойлаштирилади;

- мавзунинг асосий (масалан, ўрганилаётган объектнинг фаолият кўрсатиши) ҳамда қўшимча (масалан, объектни ўрганишнинг мақсад ва натижалари) қисмлари белгиланади;

- мавзунинг ҳар бир қисмида калит сўз ёрдамида кодлаштирилдиган маълумотларнинг асосий гуруҳи ажратиб кўрсатилади ва таянч қисмга жойлаштирилади;

- ҳар бир қисм калит сўз билан ёки сўз бирикмаси билан кодлаштирилади, ундан сўнг мазмунли мавзуга киритилади;

- қисмлар зарурат бўлганда батафсил изоҳлар билан таъминланади.

МММдан фойдаланиш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга имкон беради:

1. Мантиқий-мазмунли моделлар ахборот жамловчи ва уни ташкил этувчи функцияларни, талабанинг ўрганиш фаолияти воситачиси функцияси ролини бажаради.

2. Мазмунли моделлар ахборотни идрок этиш, унга қайта ишлов бериш ва мушоҳада қилиш жараёнини яхшилайд.

3. МММдан фойдаланиш талабаларни янги билимлар янада юксак даражада ўзлаштириладиган фаолиятга киритишга имкон беради, яъни талабалар тизимлаштириш ва асослаш усуллари эгаллайдилар.

4. МММни асослаш шахснинг сабаб тузилмасида ўрганиш қизиқишини кучайтиришга ва ўқув фаолиятининг ижодий хусусиятига кўмаклашади, бу шахсни ўз-ўзини ривожлантиришга имкон қадар йўналишига йўл очади.

5. МММ талабалар олдида ҳодисаларнинг моҳияти очилишига, ўрганилаётган яхлит қисмлари ўртасидаги барқарор алоқаларни ҳамда ўрганилаётган нарсанинг ҳодисаларнинг янада кенгроқ доирасига муносабатини аниқлашга имкон беради. Бу ўзини тушунишга, ўз мулоҳазаларининг вужудга келишига кўмаклашади.

6. Ўқитувчи томонидан тақдим этилаётган ахборот шахсий мулоҳазага эга бўлган ўз предметли-қайта шакллантирувчи фаолиятга киритилганда шахснинг янада тўлароқ бойиши юз беради. Бу талабага МММ яратишни таъминлайди. МММ ўқитувчи ва талабанинг “алоқаси” сифатида намоён бўлган ҳолда, ўзида изоҳлаш ва тушунишни “бирлаштиришни” кўзда тутади.

МММни яратиш ва ундан фойдаланиш назарий концепцияси ички ҳиссиёт тамойилига асосланади, бу ОТТ талабалари учун ўта муҳимдир: билим олувчи ўзи ҳаракатланаётган алгоритмда қоидаларни мушоҳада қилади ва англайди, шу аснода, шахсий мазмун “Мен бу менга нима учун кераклигини биламан” фаоллашади. Бундай ёндашув “ўзини кўришга” – ўзига муаммоли муносабатни яратишга кўмаклашади.

Бу ўз навбатида, шахсга ўз ривожда тўхтаб қолмасликка имкон беради, шахсда ички мазмунини бойитган ҳолда ўзгариш имконияти вужудга келади. Бу имконият эса, бевосита ўзига йўналтирилган саъй-ҳаракатлар йўли билан эмас, балки шахсий мазмун билан бойитилган фаолиятга мурожаат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Таҳлил қилинган олимларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда, бундай турдаги вазифалар муайян шартларга жавоб бериши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Вазифа талабанинг шахсий функцияларини долзарблаштирган ҳолда ўз-ўзини ривожлантириш ғоясига мос келиши лозим.

2. Бўлғуси ўқитувчининг материалнинг қадриятли жиҳатларини аниқлаш билан боғлиқ, маънавий мазмунга, ўқув мунозарасини долзарблаштиришга, ғояларни биргаликда қидиришга ва ҳоказоларга ўтиш билан боғлиқ касбий фаолиятини тренингнинг вазифали вазиятлари ёрдамида тайъминлаш.

3. Вазифалар тизимида тегиб ўтилган масалаларнинг шахсий аҳамияти.

4. Берилган вазият ҳаракатларининг икки режалилигини, яъни, бир томондан, аниқ ҳаракатлар (мунозара, ҳаракат) режасининг мавжудлиги, иккинчи томондан эса, уйдирма ҳаракатлар режасининг мавжудлигини кўзда тутиши мумкин.

Масалан, педагог ва талаба ўз тасаввурида мавҳум маконларда ишлашга имкон яратган ҳолда турли-туман вазиятларда кезиб юриши мумкин. Ташқи жиҳатдан бу суҳбат сифатида, бироқ муҳокама мавзуини тушунадиган кишиларнинг суҳбати сифатида кўриниши мумкин.

Шундай қилиб, аниқ алоқаларга эга вазифаларнинг ўқув фаолиятига қўшилиш талабага касбий тикланишда ёрдам бериш учун йўналтирилган ҳамда фақат ўз муаммоларига ёндашувнинг сабабларини шакллантиришга эмас, балки талабани касбий, шахсий истиқболларини режалаштириш, ислоҳ қилиш ва амалга оширишнинг содда ва тушунарли воситалари билан қуроллантиришга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 й. “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847 Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 йил 9 октябрь. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “2017-2021 – йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”, ПФ-4947-сон Фармони. lex.uz
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 824-сон қарори. 31.12.2020
4. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низом. 31.12.2020
5. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: Асосий тушунчалар ва қоидалар. Қўлланма. 2020 й.
6. Усмонов Б., Хабибуллаев Р. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020 й.
7. Маркова А.К. Формирование мотивации учения в школьном возрасте: Пособие для учителя. М.: Просвещение, 1983. – 96 с.